



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 16 июль, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 145 (12.958)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов
15 июль кун Оқсаройда Россия
Федерацияси ташқи ишлар вазири
Сергей Лавровни қабул қилди.**

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар мустақам стратегик шерикчилик асосланган бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари бўйича изчил ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, Ўзбекистон мазкур учрашувни ўзаро манфаатли кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бераётган доимий сиёсий мулоқотларнинг давоми, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг 10 июль кун Уфа шаҳрида бўлиб ўтган музокаралари ўзаро муносабатлар ривожиди муҳим воқеа бўлгани қайд этилди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигидан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни

кенгайтириш, шубҳасиз, кўпқиррали ўзаро мулоқотни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидан биридир.

Сўхбат чоғида долзарб халқаро муаммолар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа шаҳрида ўтган саммити якунларини юсак баҳолайди. ШХТга навбатдаги муддатга раислик қиладиган Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо барча давлатлар манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиради ва мустақамлайтиди.

Сергей Лавров Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовга самимий қабул ва ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳамда минтақавий муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон давлат консерваториясида Президентимиз
Ислон Каримов томонидан ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Нихол»
мукофоти учун танловнинг мамлакат саралаш босқичи якунланди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Ахмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни миллий ва жаҳон санъатига ошно этиб тарбиялаш, истеъдод соҳибларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

«Нихол» мукофоти эстрада, мусика, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати соҳасида изланаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни рағбатлантириш, уларни янги-янги ижодий парвозлар сари руҳлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу мукофот билан тақдирланган ёшлар турли

нуфузли халқаро танловлар, фестиваллар, санъат байрамлари, концертларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Тўрт кун давом этган саралаш босқичида финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган номзодлар ўз маҳоратини намойиш қилди. Консерваториянинг муҳташам залида мусика, рақс санъатининг турли йўналишларида энг ёрқин ва жо-зибадор чиқишлар ижро этилди. Иштирокчиларнинг танловга тайёр-гарлиги мамлакатимизда санъатни рағбатлантириш, истеъдодларга қанот бағишлаш борасида қўрсатилаётган эътиборнинг нақадар улканлигини яна бир қарра намойён этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Парламент ҳаёти

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИНИНГ ЯҚҚОЛ ФАОЛЛИГИ КЎРИНМОҚДА

Маълумки, жорий йилнинг 23 январь кун бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз «Олий Мажлис – парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга», дея алоҳида таъкидлаб фракциялараро рақобатни янада кучайтиришга доир вазифаларни белгиллаб берган эди.

Қайд этиш жоизки, янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўтган олти ой давомидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳи ва депутатлар қонун лойиҳаларини уларни қабул қилишнинг барча босқичларида сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларидаги вазифалар мазмунига ҳамда электратлари манфаатларига мувофиқлиги, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари мутаносиблиги етарли даражада ифода этилаётганлиги нуктаи назардан кенг муҳокама қилинган бўлиб чиқмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш юзасидан ўзларини «демократик кучлар блоки» деб эълон қилган ЎзЛиДеП ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари берган қатъий позицияга эга тақлифлар, айниқса, ўзини муҳолифат деб эълон қилган Халқ демократик партияси ва «Адолат» СДП фракциялари томонидан ўз сайловолди дастурларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳаси бўйича муқобил ҳамда конструктив тақлифлар билдирилгани бунинг ёрқин исботидир.

Жумладан, ўзининг сайловолди дастурида миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш сифати ва фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни кучайтиришни асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси қонун лойиҳасидаги аҳолининг санитария-эпи-

демиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини соддалаштириш санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишга оид нормаларни ҳуқуқий механизмлар билан тўлдир-иш, қонун нормаларини ҳудудларда тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида лойиҳада «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари» номли янги модда билан тўлдир-иш ҳақидаги ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тақлифларни билдирди.

ЎзЛиДеП фракцияси ҳам ўз электратли хисобланган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида лойиҳада белгиланаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиш суд тартибиде амалга оширилиши кўзда тутилган қондан кенгайтириб, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чегаралаш ва тақиқлаш ҳам суд тартибиде амалга оширилишини белгилловчи норма билан тўлдир-иш лозимлиги ҳақидаги тақлифни илгари сурди. Ўзларини «демократик кучлар блоки» деб эълон қилган ЎзЛиДеП ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари биргаликда лойиҳада белгиланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳоли санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ҳақидаги тақлифларни билдирди.

Халқ демократик партияси фракцияси аҳолига малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш тарафдори эканлигидан келиб чиқиб, лойиҳада кўзда тутилган Бош давлат санитария врачининг ваколатларини аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга оид янги ваколатлар билан тўлдир-иш, лойиҳани «Радиоактив моддалар ва бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан ишлаш-

га доир талаблар», «Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар» номли алоҳида янги модда билан тўлдир-иш каби тақлифларни ўртага ташлади.

«Адолат» СДП фракцияси жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ тегишли қоидаларни айнан қонунда белгиллаш лозимлигидан келиб чиқиб, лойиҳада давлат санитария назоратини амалга ошириш тартиби, шакллари ва усуллари, назорат натижаларини расмийлаштиришга доир қоидаларни белгиллаш, шунингдек, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга доир нормаларни белгиллаш лозимлиги ҳақидаги тақлифларни илгари сурди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ҳам қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида санитария-гигиена тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши мумкинлиги, шунингдек, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби тақлифларни билдирди.

Энг муҳими, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳининг берган тақлифлари қуйи палата ялпи мажлисида иштирок этган аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги вазирлик ва ташкилотларнинг мутахассислари, Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳасига масъул қўмитаси томонидан инобатга олинди.

Бу эса сиёсий партиялар фракциялари ва депутатларнинг аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган қонунларни қабул қилишда ўз сайловолди дастурлари ва электратлари манфаатларини ҳисобга олишга бўлган талаблари кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Умуман олганда, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциялари, депутатлар гуруҳи ва депутатларнинг ўз электратли манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш таъминлаш, жамият ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Аxbорот хизмати



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда экологик тоза технологияларни амалда ривожлантириш ва жорий қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, табиат манбаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда юртимизда кўёё энергетикасининг бугунги салоҳияти ва соҳага татбиқ этилаётган янги технологиялар хусусида атрофлича маълумот берилди.

• Наманган туманидаги «Imron textile group» хусусий корхонаси ишлаб чиқарган дастлабки маҳсулотлар бозорга чиқарилди. Пухта режа асосида амалга оширилган ишлар натижасида корхонада ойига 120 мингта трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Айни кунларда бу ерда эркаклар, аёллар ва болалар учун 20 дан ортиқ турдаги кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

• Бухоро шаҳридаги Шайх ул-олам маҳалласида «Болажон» майдончаси ва сўний қопламали мини-футбол стадиони фойдаланишга топширилди. «Болажон» майдончаси карусель, аргимчоқ каби турли аттракционлар билан жиҳозланди.

• «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятига қарашли «Шаббода» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида ҳар қабулда 300 бола ҳордиқ чиқармоқда. Оромгоҳда инглиз тили ва моҳир қўллар тўғралаклари ташкил этилган. 1 минг 200 китоб фондига эга кутубхонада болалар бўш вақтини мазмунли ўтказаетир.

• Фарғона саноат касб-хунар коллежида «Ишбилармон талаба – 2015» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Apple компанияси смартфонлар бозорининг 92% фойдасини кўришга муваффақ бўлди. Сапассорд таҳлилий компанияси маълумотларига кўра, 2015 йил биринчи чораги ҳолатига кўра, Apple смартфонлар бозорида 20 % маҳсулот сотган бўлсада, 92 % фойдага эга чиқиб, саккизта энг муваффақиятли иштирокчи орасида етакчи бўлиб турибди. Сотилган маҳсулот сони бўйича олдинда кетаётган Samsung бозорининг 15% фойдасига шерик бўлди, холос.

• АҚШнинг турли идоралари компьютер тизимлари хахерлик ҳужумлари оқибатида бузилиши натижасида 21 миллиондан ортиқ давлат хизматчилари ҳақидаги маълумотлар ўғирланган. Аввалроқ киберхужумдан жабр кўрган АҚШ кадрлар бошқармаси (OPM) баёнотида 4 миллион кишининг маълумотлари ўғирлангани ҳақида сўз борганди. Ўғирланган ахборотда деярли барча шахсий маълумотлар — кўз ранги, спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларга бўлган қизиқиш ва шахсий молиявий операцияларнинг тафсилотлари ҳам ўрин олган.

• Honda компанияси энгил автомобилда ҳаракатланишдаги тежамкорлик бўйича Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. Натижа 1,6 литрли двигателга эга, дизель ёқилғисида ҳаракатланувчи Civic Tourer моделида амалга оширилди. 100 километрга ўртача 2,82 литр ёқилғи сарфланган бу автомобиль ҳужжатларида келтирилганидан 25 фоизга камдир. Рекорд тўлиқ серияли чиқарилган оддий автомобилда ўрнатилган.

Ўзбекистонда сотиладиган маиший электр приборлари, қуриладиган бинолар ва иншоотларнинг энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлаш тизими жорий этилмоқда. Айни пайтда барча электр приборларига уларнинг хусусиятларига мос равишда энергия самарадорлигининг тегишли таснифлари берилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда энергия ва ресурс тежайдиган технологиялар кенг жорий этилиб, маиший приборлар ва қуриладиган бино ҳамда иншоотларнинг энергия самарадорлиги назорат қилиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 апрелдаги «Республикада сотиладиган маиший электр приборлари, янгидан қуриладиган бинолар ва иншоотларнинг энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2016 йилнинг 1 январидан мамлакатимиз ҳудудига сотиладиган маиший электр приборларининг энергия самарадорлигига доир янги талаблар жорий қилинади. Барча маиший электр приборлари энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлашдан ўтказилади. Шунингдек, қуриладиган бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигига оид янги талаблар ҳам қўйилади.

«Ўздавэнергоназорат» электр энергетикада назорат бўйича Ўзбекистон Рес-

Қарор ва ижро

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

публикаси давлат инспекциясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи А.Усмоновнинг таъкидлашича, энергетика жиҳатидан маркировкалашни жорий этиш энергетика ресурслари самарадорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланишнинг муҳим омилidir. Маркировкада ишлаб чиқарувчи томонидан товар ҳаракатлини бошқаришни автоматлаштириш учун кўрсатилган, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг техник тавсифига доир маълумотлар мавжуд бўлади.

Бундан ташқари, айни пайтда маҳсулотларни энергетика жиҳатидан маркировкалаш қалбаки товарларнинг тарқалишига қарши тўсиқ сифатида тегишли савдо белгисининг ҳимоя воситаси

бўлиб хизмат қилади. Бунинг самарасида техник ва технологик талаблар бузилган ҳолда ишлаб чиқарилган сифатсиз товарларнинг савдога чиқарилишининг олди олинади. Маиший электр приборлар қутиси ёки ўзида қайд этилган маълумотлар ишлаб чиқариш ва истеъмол зағири иштирокчисига махсулотнинг энергия самарадорлиги билан таъминлашга ёрдам беради. Бошқача айтганда, энергия самарадорлиги хусусидаги ахборот зарур ва ишончли маълумотларнинг ўзига хос идентификатори ҳамда манбаси бўлиб хизмат қилади.

Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида электр приборлари энергия самарадорлиги классларининг «А», «В», «С», «D», «Е», «F», «G» белгилари жорий

этилди. Айни пайтда «А» класс энергия самарадорлиги энг юқори, «G» класс эса энергия самарадорлиги энг кам бўлган электр приборларини белгилаш учун қўлланилади. Бундай маълумот истеъмолчи учун муҳимдир. Негаки, энг юқори даражадаги энергия самарадорлигига эга электр приборларини ишлаш энергия истеъмолини камайтиради. Бунинг самарасида электр энергияси учун тўлов миқдори ҳам кам бўлади. Шу билан бирга, энергия самарадорлигининг қўшимча «А+» ва «А++» класслари ҳам жорий этилмоқда. Бу «А» класс учун белгиланган энергия самарадорлиги даражасидан ошадиган маиший электр приборларини белгилаш учун қўлланилади. 2016 йилда энергия самарадорлиги «D» классдан паст бўлган электр товарларини четдан олиб кириш босқичма-босқич тўқиланади.

Сотиладиган маиший электр приборлари, қуриладиган бино ва иншоотларнинг энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлаш тизимининг жорий этилиши уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, бу каби махсулотларга харидорларни қизиқтириш ва бунинг самарасида бозорларимизни юқори сифатли махсулотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, изчил одимлаётган мамлакатимизда фуқароларнинг судларга мурожаатлари тобора ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, Ўзбекистон қонунларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг кафолатлаб қўйилгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ҳуқуқий кафолатлардан самарали фойдаланиш учун юрtdошларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётганидан далолат беради.

Янгиланиб бораётган жамиятимизнинг жадал тараққий этиши, бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши натижасида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорлар қатлами юзага келди. Бу, ўз навбатида, хусусий мулкни тасаруф этишга тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида судларга мурожаат қилишнинг қўлайлиги олиб келди.

Табиики, фуқароларнинг судга мурожаатлари охири бораётган бир вақтда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни жорий этиш суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу борада мамлакатимизда муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури» қабул қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мазкур дастур судларнинг компьютердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ва ресурсларни яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар қўлайлигини кенгайтириш ҳамда судларда электрон ҳужжат алмашиш тизимини жорий қилишга йўналтирилган.

АКТни қўллаш орқали судлар ва суд ижрочилари ўртасида маълумот алмашинуви тезлашади. Бу ўз-ўзидан суд қарорлари ижросини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳаракатларини камайтириш, томонларни судда ишни қўриб чиқиш сани ва вақти ҳақида тез хабардор этиш имкониятини оширади. Хусусан, фуқаролик суд ишларини юритишда ахборот технологияларида фойдаланиш, судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш судьяларнинг иш ҳажмини пасайтиришга, турли молиявий сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, ижтимоий адолатни таъминлашнинг энг муҳим омил бўлиши суд ҳокимиятининг жамиятда тутган ўрни ва обрўсини ҳам оширади. Шунинг таъкидлаш жоизки, аксарият ривожланган давлатларда суд ишларини юритиш тўғрисидаги замонавий АКТ билан таъминланган.

2015 йил 10 июнь кунини матбуотда эълон қилинган ҳамда 2016 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий АКТни жорий этишга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонун билан ФПКга ки-

ритилган муҳим янгиланган бир фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилишнинг электрон шаклда ҳам амалга оширилиши билан боғлиқдир. ФПКнинг 238³-моддасига киритилган ўзгаришга кўра, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризонанинг судга ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши назарда тутилди. Шунингдек, ахборот тизими орқали электрон шаклда судга бериладиган аризалар қаторидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар (309³-модда), ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий из-ю этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар (309¹⁰-модда) ҳам ўрин олди. Бундан ташқари, ФПКнинг 330, 348¹¹-моддаларида апелляция, кассация шикоятлари берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг ариза қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув билим тузиши ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён этилиб, апелляция, кассация инстанцияси судга топширилиши белгиланган бўлиб қўйилди.

Шунингдек, судга тақдим этилаётган даъво аризаси, ариза ва шикоятларнинг мазмунини баён этилган ФПКнинг 149-моддаси аризада даъвогарнинг ёки унинг вакилининг, шунингдек, бошқа тарафларнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкинлиги, аризада электрон манзил кўрсатилганлиги аризонининг суд қабулу қўғозларини ва бошқа хабарномаларини, суд ҳал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигини билдириши ҳақидаги нормалар билан тўлдирилди. Бу, ўз навбатида, судга мурожаат қилган ва ўз аризаларида электрон манзилини кўрсатган манфаатдор шахслар келажада суд қабулу қўғозларини ва бошқа хабарномаларини, суд ҳал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш имкониятига эга бўлишини яъни қилади.

ФПКга киритилган янгиланган қонун яна бири ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари қўйилган судга қабул қилиш ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилиниши билан боғлиқдир. Хусусан, ФПКнинг 135-моддаси ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон манзили кўрсатилган тақдирда қабулу қўғози ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги ҳақидаги янги норма билан тўлдирилди. Шунингдек, суд қабулу қўғозининг мазмунига қўйилган талабларга суднинг телефон рақами ва электрон манзилининг кўрсатилиши ҳамда ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилаётган суд қабулу қўғозида кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар белгиланган бўлиб қўйилди.

Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида қонун билан телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга қабул қилинган ёки суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинган ҳолларда, телефонограммалар, телеграммалар, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилган суд қабулу қўғозининг нусхаси иш материалларига қўйиб қўйилиши каби талаблар мустақамлаб қўйилди.

Қонунда процесс иштирокчиларининг, хусусан, ўз аризасида электрон манзилини кўрсатган шахсларнинг маълумиятини ошириш мақсадида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганилиги ишда қўриб чиқишга тўқинлик қилмаслиги каби норма назарда тутилди (ФПКнинг 137-моддаси). Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларга телефонлари ва факсларининг рақамларини, электрон манзилини судга маълум қилган тақдирда, иш юритилаётган вақтда уларнинг ўзгаришларини ҳақида судни хабардор қилиш маълумияти ҳам юқолди (ФПКнинг 138-моддаси).

ФПКга киритилган янгиланган қонунда таъкидланган — суд қарорларининг нусхалари ва бошқа ҳужжатларини манфаатдор шахсларга электрон шаклда юбориш механизмининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Хусусан, кодекснинг 223-моддасига ўзгариш киритилиб, унга кўра, тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, уларга суд ҳал қилув қарорининг ёки иш юритилиши тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаси имзо қўйириш топширилиши ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши назарда тутилди. Ахборот тизими орқали суд томонидан электрон шаклда юборилган суд ҳужжатлари қаторига сирдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари (ФПКнинг 228-моддаси), суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари (ФПКнинг 238¹⁰-моддаси), апелляция, кассация ва назорат инстанцияси ажримининг ёки қарорининг нусхаси (ФПКнинг 319-моддаси), суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта қўриш тўғрисидаги ажримини (ФПКнинг 367-моддаси) ва суд томонидан чиқариладиган бошқа бир қатор ҳужжатлари киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, ФПКга киритилган ушбу ўзгариш ва қўшимчалар судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суд иш юритилиши янада демократлаштириш ва таъминлаштиришга хизмат қилибгина қолмай, одил судловнинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга, процесс иштирокчилари ҳаракатлари ва суд қарорларини камайтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоялашга замин яратди.

Баҳром НУРМАТОВ,
Тошкент шаҳар прокурату-
расининг бўлим бошлиғи



Ободикдан дил яйрайди

Халқимизда неча асрлардан бери сақланиб келинаётган урф-одатлардан бири, бу ҳашардир. Ҳашар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадимий анъаналардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда юртимизнинг барча гўшаларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Юртни обод қилишга ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишаётгани қувонарли ҳол.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан «Ҳашар — эзгуликка бошлар» шiori остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда миллий қадриятларимизни улуғлаш, ўтганларни ёд этиш мақсадида шаҳарча ҳудудига жойлашган «Чимир ота» қабристонига ҳашар ўтказилди. Қўнғили ёшлардан ташкил топган ишчи гуруҳ иштирокида қабристоннинг ён-атрофидаги беғона ўтлар, қолаверса қабристон ичидаги йўлакчалар ҳам тозаланди, давракларга шакл бериш ва тағини юмшатиш каби бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Ҳашар азалдан бизнинг оиламизни, халқимизни, бир сўз билан айтганда, шу Ватанда туғилиб ўсган заҳматкаш инсонларни ўз атрофида бириктирадиган ва бу орқали одамлар ўртасидаги меҳроқибат, беминнат ёрдамнинг амалга ошишига хизмат қилувчи кучнинг меҳнатдаги қўлинишидир, — дейди «Қамолот» ЕИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кен-

гаши раиси ўринбосари Илҳом Қамоллов. — Ҳашар ёшларимиз кучига куч қайратига қайрат қўйди. Ёшларимиз бугун жамиятимизнинг кай соҳасида бўлмасин, ўзларининг фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан қаддини тик тутиб фахр ва гурур таъйинларини ўзларига сингирган ҳолда меҳнат қиладилар ва бунинг самараси келажада албатта ўз меvasини беради. Ҳашар ана шундай қатта куч бахш этадиган қадриятларимиздан биридир.

Ҳашардан қўзланган асосий мақсад ёшларимизда она Ватанга муҳаббат, юрт ободлиги, ўтган аجدодларимиз руҳини улуғлаш каби муқаддас қадриятларимизни, қолаверса, уларнинг маънавий салоҳиятини янада кўпроқ оширишдан иборатдир.

Бу қилинган хайр-саховатга бой ишлар учун «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ходимлари ҳамда қўнғили маънавияти «Чимир ота» қабристонига маъмурияти ўз миннатдорчилигини билдирди.

Зарина РУСТАМОВА

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

Кексаларни эъзозлаш халқимизга хос миллий қадрият ҳисобланади. Халқимиз асрлар оша кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётган миллий қадриятларни ёшлар онгига синдириш уларнинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмасор туман Кенгаши ҳамда 196-умумтаълим мактаб бошланғич ташкилотининг «Саховат» патронаж ёшлар гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истикомат қилувчи қариялар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди.

Тадбир давомида уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларнинг келгуси ҳаётларида асқатадиган панд-насихатлар беришди. Мустақиллик берган улугъ нозматни асраб-авайлаш муҳимлиги ёшларга уқтирилди. Самимий суҳбат чоғида ёшлар кексаларга ўз истеъдодларини намоян этишди. Ҳаётий тажрибага эга қарияларимиз йигит-қизларни ўқиб-изиланишдан чарчамасликлари, Ватан қорига ярайдиган мутахассис бўлиб этиштиришга ният билдиришди.

Барчиной ХАМИДУЛЛАЕВА

БАРҚАРОР КОРХОНА — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Паст рентабелли, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, техник ва технологик янгиллаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, инвестициявий жозибадорлигини оширишга тижорат банкларининг жалб қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар қамровининг янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан «Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда ва уларни келгусида истиқболли инвесторларга сотишда банкларнинг ўрни» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз борди.

Мазкур банк томонидан иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, узок муддатли инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Банк балансига ўтган корхоналарни самарали бошқаришни ташкил этиш, ташқи ва ички бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхоналарни истиқболли инвесторларга сотишни ташкил этишда «НБУ Инвест Групп» ҳамда «НБУ Инвестмент» компанияларининг фаолияти салмоқли бўлмоқда.

Мазкур компаниялар томонидан киритилган инвестициялар самарасида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхоналарни модернизациялаш ва айланма капитал билан таъминлашга эришилди. Хусусан, корхоналар ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Корхоналарни бошқариш жараёнига юқори малакали бошқарувчи, муҳандис ва мутахассислар, хорижий ишбилармонлар ва инвесторлар жалб қилинди.

Натижада Миллий банк балансига қабул қилинган 68 корхона фаолияти тўла тикланиб, ўтган даврда 1,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, экспорт ҳажми 237 миллион долларни ташкил этди. Айни вақтда 8 мингга яқин янги иш ўрни яратилишига эришилди.

— Соғломлаштириш ишлари тўлиқ амалга оширилгани инобатга олиниб, банк томонидан корхоналар сотувга қўйилди, — дейди ЎЗА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки департамент бошлиғи вазифасини бажарувчи Азамат Қуронбоев. — Хусусан, ҳозирга қадар 47 корхона янги мулкдор томонидан хусусийлаштирилган бўлса, қолган 21 корхонани истиқболли инвесторларга сотиш ишлари олиб боришмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ

Тадбирлар

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ КУЧАЯДИ

Бектемир туманида экологик назорат ва атроф-муҳитни асрашнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбир Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлиминини ташаббуси билан уюштирилди.

Ёшлар, экологлар иштирок этган тадбирда экологияни асраш муҳим масала эканлиги, бу борада шу кунгача амалга оширилган ишлар ҳамда олдинда турган муаммолар ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда қатнашчилар томонидан таъкидланганидек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологияни асраш фақатгина Ўзбекистон Экологик ҳаракати ёки Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакилларининг иши эмас, балки бу юмушга кенг жамоатчилик қатна ҳисса қўймоғи лозим.

Шу боис ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилишда экологик назоратни кучайтириш, бунинг учун энг аввало, жамоатчилик, хусусан, ёшлар бу борадаги қонун ҳамда қарорлардан бохабар бўлиши лозим. Тадбир якунида экологияни асраш, атроф-муҳит тозаланиши назорат қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар режаси белгиланган бўлиб қўйилди.

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФО БЎЛСИН

Мирзо Улугбек туманида маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари иштирокида тадбир ўтказилди.

Унда атроф-муҳит мусоффолигини асраш бўйича экологик назоратни янада кучайтириш бўйича тадбир қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари тинглан-ди.

Тадбирда экологияни сақлаш, атроф-муҳит тозаллигига эришишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг роли беқиёс эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади. Маълумотлар учун телефон:
233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-
уй, 2-қават, 225-хона.**

Олтинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Тошкент шаҳрида қандай мадрасалар бинолари сақланиб қолган?

Болалар спорт

ЮТУҚЛАР САЛМОҒИ
ОРТМОҚДА

Пойтахтимизда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган юз мингга яқин бола спорт билан мунтазам шугулланмоқда, уларнинг 42 мингдан зиёди қизлардир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишловлар халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодини вояга етказишдек эзгу мақсаднинг рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлаётди.

Бу жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни кенг омиллаштиришда, бекиёс аҳамият касб этмоқда.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали томонидан таълим масканларида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спорт билан мунтазам равишда шугулланиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиш ҳамда уларни спорт мусобақаларида жалб қилиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда жамғарма филиали томонидан пойтахтимиздаги турта иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, Яқкасарой туманидаги 89- ва Мирзо Улугбек туманидаги 71-умумтаълим мактабларида янги спорт заллари, Чилонзор туманидаги Тазквондо (WTF) ассоциациясига янги спорт зали ва маъмурий бино қурилиши, Юнусобод туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабини капитал реконструкция қилиш белгиланган.

Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан шаҳардаги умумтаълим мактабларида гимнастика гиламлари тарқатилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари стол тенниси жихозлари билан таъминланди. Биргина Миробод туманидаги ўн олимпиа умумтаълим мактаби, 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 14-ихтисослаштирилган олимпия

пий захиралари спорт мактаби зарур спорт анжумани билан тўлиқ таъминланди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан барча умумтаълим мактабларида мавжуд спорт секцияларидан ташқари қўшимча 1-4-синф ўқувчилари учун шахмат-шашка, 5-9-синф ўқувчилари учун стол тенниси ва бадминтон тўғрисида ташкил қилинган. Бундай кенг имкониятлар самарасида спорт билан шугулланаётган ўқувчилар сафи тобора кенгайиб, улар эришаётган ютуқлар салмоғи ортмоқда.

Турли спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилаётгани ўғил-қизларнинг спортга қизиқириш, уларнинг галабага бўлган интилишини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2015 йилнинг олти ойи давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Соғлом фарзанд – юрт келажаги», «Камолот» шахмат тахтаси, «Болалар лигаси», «Шарқ гузали», «Баҳор маликалари», «Кувнок стартер», оилавий спортни омаллаштириш мақсадида «Отам, онам ва мен – спортчи оила», «Она соғлом бўлса, фарзанд соғлом бўлади» каби спорт мусобақалари ташкил этилди.

Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг спортга ошно этиб тарбиялаш, улар ўртасида спорт турларида қизиқишни янада кучайтириш, пировадидида ўғил-қизларнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўлгайишига хизмат қилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎА мухбири

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фаворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадимжолар гузал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга ояётган ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртини ўрганишдан бошланишини инobatта олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшони» —

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшони» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-ўлгайиши кўпгина омилларга боғлиқ эканлигини инobatта олган ҳолда улар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борлигини назардан четда қолдирмаслик лозим. Энг аввало, соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг меvasидир. Шу билан бирга бу борада таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш ҳам муҳим ҳисобланади.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга катта эътибор қаратишмоқда. Ўшбу вазифани изчил давом эттиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш қатор ташкилотларнинг доимий диққат марказида турибди.

Республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат академик лицейида фаолият олиб бораётган «СПОРТ КЛУБ КАРАТЭ-ДО» анъанавий каратэ-до клуби қўлаб қўлларини қўлга кириштириб келмоқда.

Тошкент шаҳар «СПОРТ КЛУБ КАРАТЭ-ДО» анъанавий каратэ-до клуби раҳбари Шўҳрат Қўшмуратов ва гуруҳ раҳбари Қутлубек Қодировлар ҳамда клубнинг 13 нафар спортчилари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида спортнинг анъанавий каратэ-до тури бўйича Россия иккинчи оқшоч чемпионати ҳамда халқаро семинарда иштирок этдилар.

— Мазкур клубга 7 ойдан бери қатнашиб келаман, — дейди «СПОРТ КЛУБ КАРАТЭ-ДО» анъанавий каратэ-до клуби аъзоси, Россия иккинчи оқшоч чемпионатида 5 ёшлар ўртасида 2-ўринни эгал-

лаган Мехриддин Жалолов. — Республикаимизда ўтказиб келинаётган турли мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалламоқдаман. Бундай ютуқларга эришишимда қўл раҳбари Шўҳрат Қўшмуратовнинг ҳиссалари бекуёс.

Халқаро семинар Европа анъанавий каратэ-до федерацияси президенти, қора белбоғ 9-дан соҳиби, профессор Владимир Юрга, Европа анъанавий каратэ-до федерацияси инструктори, қора белбоғ 7-дан соҳиби Драган Симић ҳамда Россия «Кампеки» федерацияси раҳбари, қора белбоғ 6-дан соҳиби Пётр Лархандидлар томонидан ўтказилди.

Мусобақа давомида спортчиларимиз фалол иштирок этиб, оқшоч чемпионатда 2 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритдилар. Шу билан бир қаторда мураббийларимиз ва спортчиларимиз ўз малакаларини, бундан ташқари назарий ва амалий имтиҳонлар орқали белбоғ даражаларини оширдилар.

Зухра САИДОВА,
Республика ихтисослаштирилган
мусика ва санъат академик
лицейининг «Камолот» ЁИХ бошланғич
ташкilotи етакчиси

«101»

«ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ҳар биримиз кундалик турмушда оловдан фойдаланамиз, лекин орамизда ундан тўғри фойдаланиш муҳимлигини ёдига сақламайдиганлар ҳам топилади.

Агар биз кундалик турмушда содир бўлаётган ёвчиларни таҳлил қилсак аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёвчиларнинг ҳаётини қўқоқларига рияз етмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлиги маълум бўлади. Базилар билиб туриб ўз ҳаёти ва мол-мулкни хатарга қўйишади. Қўнчилиқ аҳоли уй-жойида электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қоидаларига рияз қилмасдан таъмирланади.

Шунинг учун ёвчиларнинг ҳодимлари маҳалла фаоллари, барча аҳолини, хонадон эгаларини огоҳликка чақиради.

Файрат РИЗАЕВ,
12-ҲЕО кичик инспектори, сафдор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Respublika mulk markazi» AJ «Poytaxt filiali» бошланғич нарх босқичида босқич охирида тартибда ўтказиладиган оқшоч савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдоларига қўйидаги давлат улушлари қўйилади.

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жололобод кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган «Уста Тошпўлат номидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи — 311 263 840 сўм;
Баландса сакловчи: «Уста Тошпўлат номидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, Сувос берк кўчаси, 6 Б-уй манзилида жойлашган «BLKTB-Mevasabzavot» масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25,32 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи — 144 779 928 сўм;
Баландса сакловчи: «BLKTB-Mevasabzavot» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: «Respublika mulk markazi» AJ «Poytaxt filiali», Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. Веб-сайт: www.mmm.uz. Электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 август кунин, соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдолар 2015 йил 7, 21 сентябрь, 6, 20 октябрь, 3, 17 ноябрь, 1, 16, 30 декабрь, 2016 йил 14, 28 январь, 11, 25 февраль кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Respublika mulk markazi» AJ «Poytaxt filiali»)нинг қўйидаги банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманомана қабул қилиш билдиришномана эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришноманада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунин савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълон-

да белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришноманада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.mmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонида зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нарх босқичида босқич охирида тартибда ўтказиладиган оқшоч савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдоларига қўйидаги давлат улушлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шохжон кўчасида жойлашган умумий майдони 892 кв. метрга тенг бўлган фаолияти тугатилган сойқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари.

Бошланғич нархи — 2 120 855 251 сўм.

Баландса сакловчи: Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

— Объект сойқ мактабгача таълим муассасаси ҳисобланганлиги сабабли, харидорга ушбу объектни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилади.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Сувос» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, А.Қаҳор кўчаси, 47-уй манзилида жойлашган умумий майдони 579 кв. метрга тенг бўлган маъмурий бино-иншоот.

Бошланғич нархи — 1 623 288 200 сўм.

Баландса сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Сувос» давлат унитар корхонаси.

Фаолияти ихтисоси: Хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 17 август кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2015 йил 31 август, 15, 29 сентябрь, 14, 28 октябрь, 11, 25 ноябрь, 10, 24 декабрь, 2016 йил 8, 22 январь, 5, 19 февраль кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қўйидаги банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомана қабул қилиш билдиришномана эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришноманада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунин савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришноманада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонида зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган

Тошкент ирригация ва мелиорация
институтини қошидаги Юнусобод
академик лицейи мавжуд бўш (вакант)
жойларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Кимё-биология фани ўқитувчиси (рус гуруҳлари) — 1 нафар,
2. Информатика фани ўқитувчиси (рус гуруҳлари) — 2 нафар,
3. Тарих фани ўқитувчиси (рус гуруҳлари) — 1 нафар,
4. Тарих фани ўқитувчиси (ўзбек гуруҳлари) — 1 нафар,
5. Ахборот ресурс маркази бошлиғи — 1 нафар.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши лозим ва танлов эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой ичида қўйидаги манзилга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобод 3-тор кўчаси, 4-уй, ТИМИ қошидаги Юнусобод академик лицейи ҳодимлар бўлими.

Мурожаат учун телефонлар: 235-69-47, 235-87-54.



Тошкент шаҳрида 17 июль кунин ҳаво ўзгариб туради, ёвғинлиқ бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шимол эсади. Ҳарорат кечаси — 25-27, кундузи —

41-43 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 17 июль кунин Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шакли ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ